ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 22 ноябрь № 46 (223) • Сотувда нархи эркин

МАТБУОТ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда 1997 йил газета ва журналлари учун обуна мавсуми қизғин бир паллага кирди. Кўплаб фуқаролар, корхона, ташкилот, ўқув юртлари, фирма жамоалари, турли жамғармалар, маҳалла қўмиталари, ишбилармонлар ўз севган нашрларига обуна бўлиб, республикамиз матбуоти ривожига ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу йилнинг 15 ноябрь куни Алоқа вазирлигида барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат почта корхоналари раҳбарлари, вазирликнинг масъул ходимлари, «Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарияти иштирокида 1997 йил даврий нашрларига обунанинг бориши ва уни янада юқори суратлар билан олиб бориш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Жўрабоев обуна борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритиб, почта соҳасининг ривожланиши учун муҳим омил бўлган тадбирни ўтказишга етарли масъулият билан ёндошмаган почта корхоналари раҳбарларини кескин танқид қилди.

Вилоятларда обуна жараёни қай тарзда бораётганини билиш учун баъзи кўрсаткичларга мурожаат қиламиз. Шу йил 15 ноябргача обуна бўлганлар сонини 1996 йил 1 январдаги умумий обуначилар сонига нисбатан таққослаб кўрайлик. Агар республика бўйича бу кўрсаткич 21,0 фоизни ташкил қилган бўлса, Хоразмда 14,0, Қашқадарёда 17,0, Сурхондарёда 17,2, Наманганда 17,9 фоизни ташкил қилади. Рақамлардан кўриниб турибдики, бу вилоятларда обуна суръатлари бирмунча паст. Обуна бўйича Фарғонада 32,3, Жиззахда 29,0, Қорақалпоғистон Республикасида 25,7 фоизга эришилди.

Обуна жараёнини белгиловчи яна бир муҳим кўрсаткич сифатида 1996 йилнинг маълум бир муддатга бўлган обуначилар сонини 1995 йилнинг айни шу кунидаги обуначилар сони билан таққослаш муҳимдир. Бу кўрсаткич бўйича ҳам Фарғона, Жиззах, Андижон вилоятлари олдинда бормоқда. Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятлари зудлик билан керакли чоратадбирлар кўрилмаса олдинги йил кўрсаткичларига ҳам эришаолмасликлари аниқ.

Афсуски, бу кўрсаткичлар обуна жараёнидаги ҳақиқий аҳволни етарлича ифодаламайди, шунинг учун кенгаш обуна натижаларини якунлашда обуначилар сонини вилоятдаги аҳоли сони билан таққословчи кўрсаткичдан фойдаланиш лозимлигини уқтириб ўтди.

Кенгашда обунани янада жадаллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилинди. Биринчидан, барча оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, газета ва журналлар орқали обуна жараёни ҳақида мунтазам равишда ахборот бериб бориш, рекламалар ташкил қилиш, мақолалар уюштириш зарур. Иккинчидан, йирик корхона, ташкилот, фирма ва ўқув юртлари жамоалари, маҳаллалар аҳолиси билан учрашувлар ташкил қилиш, тушунтириш ишлари олиб бориш, обуна қабул қилиш шоҳобчаларини очиш ҳамда ҳокимликлар ёрдамида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш керак. Учинчидан, обуна жараёнига барча почта ходимларини жалб қилиш, яхши натижага эришган ходимларни рағбатлантириш зарур. Жамоатчи обуначилар хизматидан кенг фойдаланиш ҳам яхши натижалар беради.

Яқинда республика газеталарида оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, фирмалар, жамғармалар, маҳалла қўмиталари раҳбарлари, ишбилармонлар ҳамда барча обуначиларга мурожаати эълон қилинди. Обунани жадаллаштириш учун бу мурожаатнинг аҳамияти беқиёсдир. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб барча алоқа корхоналари раҳбарлари ва алоқачиларга мурожаат қиламан:

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чин дилдан ҳисса қўшмоқчи бўлсангиз, Президентимиз Фармонларини ҳаётга тезроқ жорий этишга кўмак берай десангиз, республикамизда нашр этиладиган газета ва журналларга обуна бўлинг. Жумладан, алоқачиларнинг ягона нашри бўлган «Хабар» газетасига ҳам ёзилишни унутманг. Шунингдек, газета-журналларга якка тартибда ва жамоа бўлиб обуна бўлишни хоҳлаган барча соҳа ходимларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайлик!

Ҳурматли ҳамкасблар, газета-журналлар ҳар бир хонадонга, ташкилотга ва жамоа хўжалигига етиб боришини таъминлашда жонбозлик кўрсатайлик. Чунки матбуот маънавиятимизнинг бош кўзгусидир.

Абдусаттор ОРТИҚОВ,
Республика матбуот тарқатиш Марказининг бошлиги

ҲАВО МАВЖЛАРИДА «АЛОҚА» ТЕЛЕСТУДИЯСИ

Гулистон шаҳридаги 4-мавзеда «Алоқа» деб номланган телестудия ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа фурсатда янги студия Сирдарё, Жиззах вилоятининг бир нечта туманлари, қўшни Тожикистон Республикасининг қатор туманларида мухлислар эътиборига тушди. Телестудия хусусий тижорат корхонаси бўлиб, бир кеча-кундузда 15-16 соат томоша кўрсатади. Студиянинг 50 метрлик телеминораси шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Корхона раҳбари Аъзам Усмонов Тошкент Алоқа коллежи ва Тошкент электротехника Алоқа институтида таҳсил олган, олий маълумотли мутахассис сифатида алоқачилик касбини ўкаларига ҳам ўргатди. Бугунги кунда студияда Баҳодир телевизион устаси, Машраб йиғувчи-монтажчи, Баҳром видеомуҳандис, Раҳимжон Усмонов видеотасвирчи сифатида акалари бошлаган хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Биз Аъзам Усмонов билан хусусий тижорат телестудияси фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Вилоят алоқа корхонасида ишлаб юрган кезларим Гулистонда ҳам телевидениени ишга тушириш, халқимизга вилоят янгиликларини етказиш, қизиқарли кўрсатувлар тайёрлаш истаги менга тинчлик бермас эди, — дейди Аъзам Усмонов. — Ушбу орзуим амалга ошгач, телестудияни «Алоқа» студияси деб номладик.

Ҳозирги кунда телестудияда «Болалар соати», «Фақат аёллар учун», «Одобнома», «Касбим—фахрим» кўрсатувлари ўзбек тилида тайёрланиб, намойиш қилинаётган бўлса, рус тилида «Озорники», «Колейдоскоп», «Клип привет», «Деловые женщины» каби кўрсатувлар мухлислар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Бу кўрсатувларни тайёрлашда муаллиф ва бошловчилардан Мукаддас Аҳророва, Наташа Тарасенко, Земфира Ҳазраткулова, компьютер устаси Рустам Маматқуловларнинг ҳиссаси каттадир. «Одобнома» кўрсатувини оммавийлашишида Гулистон Жомъе масжидининг имом ноиби Абдужаббор Раҳмоновнинг хизматлари бисёрдир.

Режаларимиз кўп. Шу йилнинг охиригача яна битта қўшимча канал очиб, иккита дастурда телекўрсатувлар олиб бормоқчимиз. 1997 йилда минг кишилик тўй ва маросимлар ўтказиладиган катта зални ишга тушириш ниятидамиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Сирдарё вилояти

• Обуна—97

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:

1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм,
12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:

1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм,
12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

• Шу сонга шошилинчнома

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

«Косон почта алоқа боғламаси ходимлари севимли газетамиз «ХАБАР»га 90 нусхада обуна бўлдилар.

Косон почта алоқа боғламаси бошлиги М. ҲАҚБЕРДИЕВ, Қашқадарё вилояти»

• Матбуотда «А. А. Ҳайдаровга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабасини бериш», шунингдек «А. А. Ҳайдаровни Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов шу йил 27-28 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

• Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг шу кундаги долзарб масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Республика киночилар уйида Франция киноси фестивали ўтказилди.

• Молдовада президент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда давлат раҳбари лавозими учун кураш олиб борган тўққиз номзод орасида нисбатан энг кўп овоз олган ҳозирги Президент Мирча Снегур ва мамлакат парламентининг раҳбари Пётр Лучинский иккинчи тур сайловларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

• Россияда 1996 йил бошидан бери аҳоли сони 300 минг кишига камайиб, ҳозир 147,7 миллион кишини ташкил этиши расман маълум қилинди.

• Яқин вақт ичида Москва маркази яқинидаги аэровокзал ҳудудида тижоратчилар ва тадбиркорларнинг кичик самолётлари қўниши учун «Бизнес-Авиа» янги аэропорти ташкил этиладиган бўлди.

• Япония Бош вазири Рютаро Хасимото ва Франция Президенти Жак Ширак 20 банддан иборат ҳукуматлараро дастурни имзолашди. Бу дастур Япония ва Франциянинг аср охиригача ва XXI асрда сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ҳамда илм-фан соҳасида ҳамкорлик қилишини кўзда тутади.

• Париж конгресслар саройида НАТО ассамблеясининг 42-сессияси ўз ишини бошлади. Кенгашга Шарқий Европа давлатлари вакиллари ҳам таклиф этилган.

• Миср 74 ёшли Бутрос Голий номзодини иккинчи муддатга БМТ Бош котиблигига сайлаш учун расман кўрсатди. Бутрос Голий номзодини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта аъзосидан учтаси — Россия, Франция ва Хитой қўллаб-қувватлаяпти. Лекин АҚШ бир неча бор уни БМТ Бош котиблигига иккинчи муддатга сайлашга қарши эканлигини расман маълум қилган.

ОДДИЙ ТАРТИБ КИМГА БОҒЛИҚ?

• Ранжнома

Одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга қаратилган ҳар қандай хизмат тури ҳам аввало бенуқсон, бекаму кўст бўлсагина кутилган натижани беради. Акс ҳолда тартибсизлик ва кўнгилсизликнинг чеки бўлмайди. Мен бу ўринда ҳаммамиз кўникиб, ўрганиб қолган телефон хизматини назарда тутмоқдаман. Биз баъзан одамларнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараши, касб маҳоратининг пастлиги, оддий иш юритишни ҳам билмаслиги оқибатида муттасил рўй бераётган хато-камчиликларни ойда ҳам доғ бўлади, иш бор жойда камчилик бор дея хаспўшлашга одатланиб қолганмиз. Ҳозирги вақтда эса ҳамма нарсага бозор иқтисодиётини балогардон қилиб кўрсатадиганлар кўпайиб кетди. Гапни чўзиб ўтирмай, мақсадга кўчиб қўя қолай.

Каминанинг хонадонига ўтган йилнинг ноябрь ойида 232565 рақамли телефон ўрнатилди. Телефон ҳали-ҳануз яхши ишламайди. Бирон жойга қўнғироқ қилиш ёки бизга четдан сим қоқиш жуда мушкул. Сўзлашув пайтида гўшакдан ҳар хил бегона овозлар эшитилиб қолади, «Трубкани қўйиб тур, биз гаплашяпмиз!» дея кимдир дўқ уради ва ҳ.з.о. Чора истаб мутасаддиларга мурожаат қилдим, фойдаси бўлмади.

Ёмон ишласа ҳам шу телефоннинг борлигига шукур қилиб турганимизда юқоридаги кўргулукларнинг ҳали ҳолва эканлиги маълум бўлиб қолди. Гап шундаки, хонадонимизга телефон ўрнатилганидан кейин кўп ўтмай шаҳарлараро сўзлашув учун тўлов қоғозлари кетма-кет кела бошлади. Тўғри, гоҳо код орқали бошқа шаҳарга қўнғироқ қилишга эҳтиёж туғилади. Одатда қачон, қаёққа телефон қилганимиз эсимизда қолади. Аммо почта орқали биз гаплашмаган сўзлашувлар ҳақидаги тўлов қоғозлари емаган сомсага пул тўлашни талаб қилишдан ўзга нарса эмас эди. Англашилмовчиликни аниқлаб, калаванинг учини топгунимизча телефонимиз бир неча бор узиб ҳам қўйилди. Ўзим иш билан қаттиқ банд бўлганим учун ўғлим Ҳамза телефон тармоқларига бир неча кун қатнаб сарсон бўлди. Ахийри у Навоий кўчаси, 28-уйдаги шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув идорасидан телефонимиз қачон ўрнатилгани ҳақида маълумотнома олиб, керакли жойга топширгандагина сал қулоғимиз тинчди. Афсуски, бу ҳол кўпга чўзилмади. Яна биздан гаплашмаган сўзлашувлар ҳақида тўловлар талаб қилина бошланди. 15 ноябрь куни Ҳамза телефон тармоқларидан вакил хонадонимизга келиб, сўзлашувлар учун олти минг сўмдан зиёд қарзимиз борлигини ва аллақандай қоғоз-ҳужжатларга имзо қўйишим лозимлигини талаб қилди. Табиий — яна энсам қотди. Чунки бу яна одатдаги англашилмовчилик (дарвоқе, энди буни фақат англашилмовчилик деб бўлмасди) эди. Тартибсизликнинг чеки-чегараси бормикин дея ахийри ноилож ўзим Ҳамза телефон тармоқлари идорасига бордим.

Иккинчи қаватдаги абонент бўлимида турнақатор навбатда турган мижозлар орасига суқилиб, галим келганда дардимни айтдим. Улар биринчи қаватга — шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳисоб-китоби бўлимига учрашинг дейишди. Биринчи қаватда ҳам яна навбатга туриб, мутасаддига юзма-юз бўлдим. У эса мени яна юқорига — абонент бўлимига бориб, телефоним қачон ўрнатилгани ҳақида маълумотнома олиб келишга йўллади. Мен бундай қоғозни излаги келтирганимизни айтсам ҳам эшитгиси келмади. Яна юқорига кўтарилдим. Маълумотномани олаётиб, абонент бўлими бошлиғи Қобилжон Орифжоновга битта савол бердим:

— Айтингчи, шунча асаббузарликлар, оворагарчиликлар камлик қилганидек, идоранлардаги иккита бўлим ўртасида бемалол ҳал этса бўладиган иш — шу маълумотномани керакли жойга шундоқ топшириб қўйишни ярим кун вақт сарфлаб, мен—яъни абонент қилишим зарурми?

Орифжонов бир оз ўйланиб туриб, жавоб қилди:

— Йўқ, Сиз овора бўлишингиз шарт эмас.

— Унда... Ахир мана мени келишга мажбур қилдингларку?!...

— Энди, иш бор жойда камчилик бўлади, ака, тўғрилаймиз ҳаммасини...

Маълумотномани олиб яна пастга тушдим. Уни қабул қилиб олаётган ходимага ҳам (дарвоқе, сўзлашувлар учун қарзимнинг йўқлиги дарҳол маълум бўлди, чунки тўловлар учун талаблар бизга телефон ўрнатилган вақтдан илгариги сўзлашувлар учун эди) юқоридаги саволни бердим.

— Ўзингиз маълумотномани топширишингиз керак, бу бизнинг ишимиз эмас! — ўзини Собитова деб таништирган аёл дангал шундай деди.

Бир масалага икки хил қараш бу ўринда мутлақо ҳурфикрлилик нишонаси эмас, балки ишда оддий тартиб-интизом йўқлигини кўрсатмайдими? Дарҳақиқат, мижознинг уйига қачон телефон ўрнатилгани телефон тармоғи идорасининг темир дафтарида қатъий қайд қилинган-ку! Наҳотки ушбу масалада тартиб ўрнатиш шу қадар қийин бўлса?!...

Юқоридаги нохуш саргузаштлардан таъсирланиб, Ҳамза телефон тармоқлари бошлиғи Юнус Ғафуров номига ариза ёздим. Аммо аризани қабул қиладиган одамни топиш (бошлиқ ҳам, ўринбосари ҳам йўқ экан) осон бўлмади. Назорат бўлимига учранг дейишди. Ў ердаги ходима фиғони фалакка чиқиб турган экан, мен қолиб, унинг ўзи арз қила кетди:

— Буни қаранг, ўчирилган, узиб қўйилган телефонларга ҳам тўлов қоғозлари келяпти. Буни одамларга қандай тушунтиришга ҳайронман.

Опа аризамни кўриб, маслаҳат берди:

— Биринчи қаватга тушиб, қарзингиз йўқлиги ҳақида қоғоз олиб чиқинг, — кейин аризангизни қабул қиламан.

Ана холос! Бунисига нима дейсиз?

Бир амаллаб ўзимни босдим ва яна пастга тушдим. Навбатда одамлар кўп экан, вақтим тиғизлиги боис яна юқорига чиқдим. Шу маҳал бир аёлнинг зор қақшаб мутасаддилар шаънига андак нордон гаплар айтаётгани қулоғимга чалинди.

Маълум бўлишича, Юнусобод тумани, Ҳакимзода кўчаси, 55-уйда истиқомат қилувчи Т. Тўраевага берилган 352663 рақамли телефон йил охиригача хизмат ҳақлари тўланган бўлсада, ҳанузгача ишламас, мижоз — кўп болали она бир ҳафтадан буён арз-додини айтиш учун бошлиқ ҳузурига киролмас экан...

Ранжномага шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўлади. Кўп гап — ...ортиқча юк.

Биз кимнидир камситиш, ерга уриш фикридан йироқмиз. Ниятимиз холис — ишда тартиб-интизом бўлса, телефон хизмати замон талаби даражасига яқинлашса... Ахир шундай талаб қилишга маънавий ҳақимиз бор-ку!... Ёки мутасаддилар бошқача ўйлашармикин?...

Ш. ЭРГАШ ўғли

ТАҲРИРИЯТДАН:

Таҳририят ушбу танқид юзасидан Ҳамза телефон тармоқлари идорасининг расмий жавобини кутади.

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғига кўра Шуҳрат Абдуғаниевич ОДИЛОВ Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи этиб тайинланди.



Шуҳрат Одилов 1948 йили Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти — олий, 1972 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1967 йили Ҳамза телефон тармоғида мантўрликдан бошлаган ва ушбу тармоқда 1971 йилгача электромеханик, катта электромеханик вазифаларида ишлаган. 1971-1972 йиллари Тошкентдаги «Саёҳат» меҳмонхонасида алоқа мухандиси, 1972 йилнинг июлидан октябрь ойигача Алоқа вазирлигида катта муҳандис эди. 1972-1973 йиллар мобайнида Армия сафида хизмат қилган. 1974-1981 йиллари Собир Раҳимов телефон тармоғида муҳандис, ишлаб чиқариш тажрибахонасида катта муҳандис, Собир Раҳимов телефон тармоғининг 41-АТСи бошлиғи, шу тармоқ станциясининг цех бошлиғи ва бош муҳандис вазифаларида меҳнат қилди. 1981-1983 йиллари Тошкент электротехника Алоқа тармоғининг 1-линия техник тармоғи бошлиғининг ўринбосари, 1983-1989 йиллари 66/67-АТС кабел линияси цехининг катта муҳандиси, 64-АТС катта муҳандиси, Ҳамза телефон тармоғига қарашли 34-АТС цехининг катта электромеханиги, 1989-1991 йиллари «Телефон» кооперативининг раиси, 1991-1994 йиллари «Ишонч» кичик корхонаси директори вазифаларида фаолият кўрсатди. Ш. Одилов 1994 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси эди.

ҚИШЛОҚ ХАБАРЧИСИ

Куз оқшомларидан бири. Пахтакорлар даладан қайтиб, ҳордиқ чиқаришмоқда. Шу чоғ токчада турган радиокарнайдан таниш овоз келди.

«Диққат қилинг, жамоа хўжалигимиз радиоузелидан гапирамиз! Бугун хўжалигимизда яна бир жамоа—Берди ака Тошалиев раҳбарлик қилаётган бригада ҳам маррага етиб келди»...

Шундан сўнг сухандон жамоа аъзоларининг бир йиллик меҳнати акс этган маълумотни ўқиб эшиттирди. Турсунпўлат ака илғорлар сафида ўзининг ҳам номи борлигидан қувониб: «Бал-е, Эркинбой, тилингга асал» деб қўйди.

Дарвоқе, Турсунпўлат Маматовнинг суюнганича бор. 16-бригада кетма-кет тўрт йил кўзланган режани бажара олмади. Натижада жамоага ҳар йили янги раҳбар келаверди. Ниҳоят, ўтган йилнинг декабрь ойида бўлган йиғилишда Турсунпўлат ака сўз олди. «Мен собиқ бригадиримиз Бердибой аканинг ўзи бригадамизга қайтиб келишини таклиф қиламан. Кўрасизлар, бу киши бригадамиз мавқеини тиклайдилар». Таклифга ҳамма қўшилди. Ўз навбатида Бердибой Тошалиев ҳам кўпнинг талабига қарши бораолмади.

Турсунпўлат ака бир зум ҳаёл сурсада диққатини радиокарнайдан узмади. Сухандон хўжалик раҳбарияти қарорини ўқиб эшиттирди. Бригадага 1 бош қўй ва 3 минг сўм пул мукофоти бериладиган бўлди.

— Радио яхши болаларим, — деди Турсунпўлат Маматов дастурхон атрофидагиларга қувончини улашаркан, — хушхабарни ўз вақтида етказади. Мана бундай концерт бериб, биз деҳқонлар чарчоғини ёздик. Ўзиям Эркинбойни тушмагур ҳар бир гапни, қиёмига етказиб айтади-да!

Эркин Ашуров шаънига бундай илиқ гаплар айтилиши бежиз эмас. У чорак аср бўлибдики, хўжалик диспетчерлик хизмати хонасида ишлаб келмоқда, рация орқали участкаларга хабар етказади. Ҳаракатда юрган хўжалик раҳбарларини марказ билан боғлайди. Айни чоғда радиоузел орқали хўжалик иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги янгиликларни йил бўйи халққа етказиб туради.

— Эркин Ашуров ўз бурчига садоқатли инсон, — дейди биз билан суҳбатда диспетчерлик хизмати бошлиғи Назарбой Убайдуллаев. — Шунинг учун ҳам уни кўпчилик билади ва ҳурмат қилади.

Эркин Термиз қурилиш техникумининг электр тармоқлари станцияси бўлимини битириб келганида Маллахон ака Усмонов жамоа хўжалиги радиоузелининг ҳаваскор сухандони эди. Ёш ходим ишни қабул қилиб оларкан, ҳам ҳаяжонланди, ҳам иккиланди.

— Эплайолмасам?!...

— Йўқ, сен ундай дема. Тезда ўрганиб кетасан. Ҳали овозинг кўплаб хонадонларга кириб боради.

Маллохон аканинг айтгани бўлди, Эркин Ашуров ўз ўрнини шу ерда эканлигини англаб олди. Қишлоқларни радиолаштириш масаласига алоҳида эътибор берди. Ҳозир хўжалик бўйича 600 та радионуқта ишлаб турибди. Бу радиокарнайлар орқали республика, вилоят радиоэшиттиришлари қатори хўжалик янгиликлари ҳам янграб турибди.

— Ўзим радиоэшиттиришларни яхши кўраман, — дейди Эркин Ашуров.— Уларни мунтазам тинглаб бораман. Шу тарзда тажриба орттираман.

Эркин яна сим орқали эфирга чиқди: «Диққат, диққат, жамоа хўжалигимиз радиоузелидан гапирамиз»...

Н. ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбир,
Термиз туманидаги
«Намуна» жамоа хўжалиги

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли
Константин Степанович
КОНОВАЛОВ!

Сизни муборак 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан қизғин қутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва ойлавий бахт тилаймиз.

Электромагнит Мосланув Маркази жамоаси

«Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарияти ва жамоаси Республика ахборот ҳисоблаш маркази директорининг муовини Раҳшона Муҳамедовага онаси

Маъсуда ая МУҲАМЕДОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

* * *

«Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарияти ва жамоаси Республика пул юбортмалари назорати бюросининг собиқ бошлиғи

Раиса Ивановна АЛЕШЕНКОнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАМИША ЭЛ ХИЗМАТИДА

«Элга хизмат — олий ҳиммат» дейди доно халқимиз. Бу ҳикматнинг мағзини чаққан Раҳмон Бобоев мана 15 йилдирки, эл хизматига камарбаста.

Жондор туманида бу тиниб-тинчимас, меҳнаткаш, қувноқ инсонни танимаган, унинг беминнат хизматларидан бахраманд бўлмаган хонадон топилмаса керак.

— Ҳудога минг қатла шукрки, шу касбни танлаб кам бўлмадим. Эл қатори яшаяпман. Менинг камтарона хизматларимдан халқ рози бўлса, шунинг ўзи катта бахтдир, — дейди Раҳмон ака камтарлик билан.

Раҳмон ака Бобоев ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Алоқа техникумига ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, Жондор тумани алоқа бўлимига оддий мантўр бўлиб ишга келди ва шу ерда 12 йил ҳалол меҳнат қилди.

Ишни яхши ташкил қилгани, ўз касбининг устаси бўлганлиги ва ҳалол меҳнатлари учун бир неча марта вилоят алоқа бўлимининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Мана уч йилдирки, бу камтарин инсон Жондор тумани электралоқа корхонасига қарашли «Зарафшон» алоқа бўлимида телефон алоқа техники бўлиб хизмат қилиб келмоқда. «От ўрнини той босар» деганларидек, Раҳмон аканинг фарзандлари ҳам ота касбини эъзозлаб, алоқачилик касбини танлаганлар.

Эл меҳрини қозониб, одамларнинг олқишига сазовор бўлаётган бу заҳматкаш инсонга «Ҳамиша сизга эл меҳри, олқиши ҳамроҳ бўлсин» дегим келади.

Санобар МЕҲМОНОВА,
Бухоро вилояти

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «Аббос-АА» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

• 1996 йил — Амир Темур йили

Жалол ЯХШИБОЙ

ОҚСАРОЙ АРМОНИ

«Кимки бизнинг буюклигимизга шубҳа қилса, қурган обидаларимизни келиб кўрсин».
Амир ТЕМУР.
(Оқсарой пештоқидаги битик).

Шаҳри Кеш.
Ҳукмдор девони.
Амир Темур сўзлар,
Мирзо ёзади:
— Мовароуннаҳр бўйича,
биринчи фармон.
Аввало, Тангрига
минг-минг шукрлар.
Ғолиблик туғини
тутқазди бизга.
Мўғуллар зулмидан
халос бўлди юрт.
Халқлар озод энди,
Энди халқлар ҳур.
Шу важдан
Пойтахтда —
Шаҳрисабзда...
Тиклансин заминда
яккаш обида.
Шундай гўзал бўлсин,
таъзим қилсин ой.
Номини атайлик,
Овмин: ОҚСАРОЙ!

* * *

Оқсарой...
Ҳурликка қўйилган ҳайкал.
Оқсарой...
Темурнинг ойдин йўл боши.
Оқсарой...
Бағрингда дунё бўлган ҳал.
Оқсарой...

Зар кокил Кешнинг қуёши.
Оқсарой!
Темурнинг саройи.
Оқсарой!
Туроннинг чиройи.

* * *

Оқсаройга боқаман маҳзун,
Хаёлда қўпади армонлар.
Кўзларим кўр бўлар, дилим хун,
Мунча кўп бўлмаса ёмонлар,
Оқсаройга боқаман маҳзун,
Буюк бир ҳақиқат ҳайқирар.
Уни Абдуллахон бузган кун,
Ҳурлик пойдевори йиқилар.
Туроннинг кўксида сирқирар,
Аламли, оғриқли бул сарой.
Абдуллахон дея қичқирар,
Руҳлар макон топган Оқсарой.
Кўр Абдуллахон,
Ғўр Абдуллахон!
Оқсаройни нуратган,
Шўр Абдуллахон!

* * *

Оқсарой армони...
Кўзимни очди.
Ҳурлик пойдевори
Энг муқаддас жой.
Ибрат олмоқ учун
Сўз дурин сочди,
Юртнинг ғурури
бўлсин ОҚСАРОЙ!



Мутолаага не етсин...

МАҲОБҲОРАТ ҲИКМАТЛАРИ

Ота-она меҳрига тўйиб ўсмаган бола бир оз очкўз бўлиб ўсади, меҳрга ташна бўлади.

***

Ичкилик, зино ва қимор ношаръий нарсалар, одамзотнинг кушандасидир.

***

Дину иймон борасидаги саволларга тўғри жавоб бермаслик гуноҳи азимдир! Жавоб бера олмаслик эса осийликдир!

***

Ботқоққа тушгани билан қуёш нури ифлосланиб қолмайди.

***

Жаҳолат устида қилинган ғазаб очиқ кўзни кўр қилади, энг аввал ғазаб қилган одамнинг ўзига зиён етказади.

***

Савоблар ичида энг аълоси—кечиришдир! Кечирсанг, Худога яқин бўласан, кечириш—бу ҳақиқат, диёнат, тоат дегани. Кечириш-битмас-туганмас куч-қудрат дегани.

***

Табиат битмас-туганмас хазина, лекин одамзот унга бепарво бўлса, уни хорласа, бир кунмас-бир кун уволи уриб, ўзи ҳам хор бўлгай!

***

Ҳаётим қадрли ва мазмундор бўлсин деган одам ҳеч қачон ўз динини бидъатлар билан булғамайди.

***

Фарзанд вужудини яратган Она дуоларидир!

***

Санъат — мўъжизавий қуроллар ичида энг мўъжизакоридир.

***

Кўнгилда шавқ уйғондими, демак, мақсад ҳам пайдо бўлибди. Мақсадга етмоқ эса яшашнинг мазмунидир.

***

Ҳар ким ўз қадрини ўзи топади. Ўзининг қодирлигини кўрсата олган одамгина эл наздида қадрли бўла олади.

***

Она—хоҳ сенинг бўлсин, хоҳ бировнинг— барибир ҳамиша мўътабар зотдир.

ХОСИЯТЛИ «ЕТТИ» РАҚАМИ

«Етти» рақами қадимдан хайрли рақам ҳисобланган. Иброҳим алайҳиссалом Маккада Каъбани бунёд этганларидан кейин, унинг атрофини етти маротаба айланганлар; Етти бор Сафо тоғига, етти бор Маъво тоғига чиққанлар. Сўнгра етти маротаба Арофат водийсига қадам ранжида қилганлар. Удум тариқасида, анъанага кўра, муборак ҳаж сафарига бориб Каъбани зиёрат қилган ҳар бир мусулмон шу удум-анъаналарни (етти маротаба) қайтаради.

***

«Ҳафтияк» — еттидан бири. Қуръони Каримнинг еттидан бир қисмидан иборат махсус китобча. Эски мактабларда савод чиқариш, ўқиб ўрганиш воситаларидан бири бўлиб, шогирд (ўқувчи)лар араб алифбосини ўзлаштирганларидан сўнг ўрганиладиган қўлланма. «Ҳафтияк» Қуръондан олинган 13-14 сурани ўзига қамраган. Ҳафтиякдан сўнг Қуръони Каримни ўқишга киришилган.

***

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳар куни қўй сўйдириб, ҳар бир қўй танасини еттига бўлиб, камбағалларга улашган.

***

Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасида Катта Дошқозон бор. У етти хил маъдандан қуйилган.

***

Бобурийлар сулоласининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири — Шоҳ Жаҳон салтанат тахтига ўтириш шарафига атаб, олтиндан ясатган «Товус тахт»ни ишлаш учун 7 йил вақт кетган, 7 миллион рупий пул сарф этилган.

***

Халқ тилида анъанавий «етти» сўзи кўп қўлланилади. «Гўрўғли етти ёшида Такаёвмид элига етиб келди», «Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритар», «Бир қўшнида етти қўшнининг ҳаққи бор», «Етти букилиб салом бермоқ», «Етти ухлаб тушига кирмаган», «Етти қават кўрпача тўшамоқ», «Етти ўлчаб бир кес», «Сув етти думаласа ҳалол» каби мақоллар ва иборалар учрайди.

***

Қадимги Шарқ ва Ислом анъанасига кўра, ўғил фарзанд таваллуд топгач, етти кунлик бўлганда хатна қилинган, чақалоқ етти кунлик бўлганда унга исм қўйилган.

***

Ислом ақидасига кўра, коинот етти қаватдан иборат. Арши Аъло коинотнинг еттинчи қаватида жойлашган.

***

Қадимги Шарқда Ер курраси табиатига кўра «Етти иқлим» — Етти минтақага бўлинган. Ер табиатини етти иқлим (минтақа)га бўлиш Туркистон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон халқларида қўлланилиб, кейин юнонларга ва Оврупога тарқалган жуғрофий тушунчадир.

• ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

ПАЙҒАМБАРИМИЗ АЙТАДИЛАР...

Етти кишига Аллоҳ Таоло ўз соясидан бошқа соя бўлмаган бир кунда соя берур: биринчи — одил подшоҳ, иккинчи — худо ибодатида нашъу ва намо қилғон ёш йигит, учинчи — ул одамки, ҳамиша дили масжидга боғлиғдур, тўртинчи — ул икки одамки, худо ризоси учун бир-бирларига дўст бўлдилар ва ўшал дўстликда яшадилар, бешинчи — ул одамки, ани шарафли ва ҳуснли бир хотун ўз суҳбатига чақирса, «Мен худодин қўрқурман» деб жавоб бергайдур, олтинчи — ул одамки, Аллоҳ Таоло йўлида садақа бергайдур, лекин садақасини шундоғ яширибдурки, ўнг қўли берганин чап қўли билмай қолибдур, еттинчи — ул одамки, хилватда Аллоҳ Таолони ёд қилиб йиғлабдур ва кўзларин ёши жорий бўлибдур.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0672. 7634 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00–8.30 «Хафтанома».

★

8.30 «Бир ўлка-ки...»
8.55 Эстрада тароналари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илм — ўзликни билмакдир».
10.30 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
10.40 «Кувноқлар даврасида».
10.55 «Хаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
11.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.00 Бокс. Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир.
12.25 «Ўзан». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Дилнавоз садолар».
19.10 «Мозийдан садо».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Тоғлар тароналари». Мусиқий дастур.
21.40 «Вахт». Публицистик кўрсатув.
21.55 «Бу оқшом...»
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Руҳи равоним— эътиқод». Жалолиддин Румий.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Акборот».
23.55 «Буни умр деразаси». Телеочерк.
00.10 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.10 «Курьер».
21.30 «Прайм-тайм».
21.40 «Спорт қитъаси».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.05 «Табассум ўгрилари». Бадиий фильм. 1-серия.

★

Россия жамоат телевидениеси
19.10 — 21.40

★

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Тоғларга куз келганда», «Момиқ мўйна». Телефильмлар.

★

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.35

23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.20 «М» — Хабар.
19.30 «Авторейд».
19.40 Кечки сеанс. «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.
21.10 «Спорт-тайм».
21.40 «Брюссель учрашувлари». Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Бельгияга ташрифи якунларига доир.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Кимга қанақа?».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Акборот».

★

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мангуликка дахлдор».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Рахслар оламининг сири».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.

★

11.30 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
11.50 Футбол. Ўзбекистон V миллий чемпионати якунлари.
13.20 «Гул кўл, чаман кўл». Телеочерк.
13.50 «Бир кам дунё». Адабий композиция.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.05 «Дурдона».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маъноавият булоқлари».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 «Ўгримчак тўри». Телесериал.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Акборот».
23.55 «Ок йўл ўринда». Футбол бўйича Осиё кубоги ўйинлари олдидан.
00.40 Тунги тароналар.
00.55–01.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Олтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис маҳлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Спорт қитъаси».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Табассум ўгрилари». Бадиий фильм. 2-серия.

★

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

★★★

19.10 — 21.40

★

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли сайёра».

★

Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.25

★

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Коллаж».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Игротека».
21.10 «Жилвет-шоу».
21.40 «Соликлар ҳақида сабоқлар».
21.55 «Дуодаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.55 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
23.25 Эълонлар.
23.30 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Акборот».

★

8.25 «Альманах - ТВ».
9.05 «Ўйин». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!».

★

11.40 «Талаба ва спорт».
12.05 Ўзбек куйларидан концерт.
12.40 «Олтин куз жилолари». Кинодастур.
13.20 «Бола бошидан...»
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бахтли шаҳзода». Мультфильм.
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...».
18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.50 «Табаррук қадамжолар».
22.10 «Автоолам».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Акборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15–00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.55 «Спорт қитъаси».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўгирлик». Бадиий фильм. 1-серия.

★

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

★★★

19.10 — 21.40

★

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари йўл».

★

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30

23.30 Янгиликлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Ўзбекистон муштараклари».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Манбалар». Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллигига. 2-қисм.
19.35 «Ер қурраси».
19.55 Эълонлар.



20.00 «Тошкент оқшомида».
20.30 «Британия қундалиги».
21.00 «Мезон».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Сахий юлдузда».
22.05 «Гулдаста».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Қўшиқларим оламни тутгай».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Акборот».

★

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Ихтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Муносабат» Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Умумий биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.

★

11.30 «Жаҳонгашта кўғирчоқлар».
12.00 «Шеърият». Тошпулат Аҳмад.
12.15 «Эски уй сохиблари». Мультфильм.
12.25 Мумтоз ашулалар.
12.50 «Ғалати гаров» Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.35 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Ақлдядор лугати».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Озма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.30 «Дилнавоз садолар».
21.40 «Шарқдан нур...» Паҳлавон Маҳмуд.
22.00 «Инсон қушлар ортидан боради». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Акборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.05 — 00.15 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис маҳлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.55 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».

★ ★ ★

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Спорт қитъаси».
22.20 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўгирлик». Бадиий фильм. 2-серия.

★

Россия давлат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

★★★

19.10 — 21.40

★

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».

★

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.35

23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.20 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Ичкуёк».
19.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Каталог».
20.45 Эълонлар.
20.50 «02» тўлқинида.
21.05 «Эколот-коктейль».
21.35 «Оҳангдан — оҳанггача». USA-круиз.
22.05 «Компьютер-ревю».
22.30 «Жон-нобо «Зао» тоғи». Телесериал (Япония).
22.50 Эълонлар.
22.55 «Дуодаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 «Интерспорт».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Акборот».

★

8.25 «Озма-юз». Мулоқот.
8.45 «Нафосат». Кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро».

Ўқув курсатувлари:

10.30 Математика.
11.00 Немис тили.

★

11.30 «Китоб ва ҳаёт».
12.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Истеъдод».
12.30 «Фарзанд—умид юлдузи». Тележурнал.
13.00 Ака-ука Шоҳалиевлар куйлайди.
13.15 Дикҳат, премьера: Нурилло хожи Абдуллахон ўғли. «Муҳаббат қасри» (Тож Маҳал). Қўқон Давлат мусиқали драма театрининг спектакли.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.30 «Аудитория».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Таниш ва номаълум».
21.50 «Дилнавоз садолар».
22.10 «Куш келибсиз!»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Акборот».
23.55 Жума лавҳаси.
24.00 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили».
9.10 «Мульти-пульти».
9.30 Дилором наволар.
9.40 «Таманно».
9.55 Мулоҳаза учун мавзу.
10.15 Дилором наволар.
10.20 Видео янгиликлари.
10.40 Видео — «О».
12.20 — 13.00 «Спорт қитъаси».

★ ★ ★

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара» Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка, плюс...»
18.30 «Тошкент. Эски шаҳар». Маҳзарали фильм.
18.40 «Цирк ҳақида». Дам олиш дастури.

Россия давлат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

★ ★ ★

19.15 — 21.40

★

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Театр воқеалари». Бадиий телефильм.

★

Россия давлат телевидениеси
23.25 — 23.55

23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Шарҳим — фахрим».
20.05 «Замондас».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқий меҳмонхона».
21.10 «Коинот».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Рангинкамон».
22.15 «Уй остонадан бошланади».
22.45 Араб эстрадаси.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Акборот».

★

8.25 Республика газеталарининг шарҳи
8.35 Таронанум». Мусиқий дастур.
9.00 «Ишлар ва ўйлар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шоҳрух» клуби.
10.30 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
11.05 Юнон-Рим кураши. С. Раҳимов хотирасига бағишланган халқаро турнир.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.45 «Таянч».
12.10 «Ёшлар билан».
12.40 «Малҳам».
12.55 «Талабалар саҳнасида».

★

13.25 «Умр лаҳзалари». Кибриё Каххорова.
13.55–14.15 «Саховат». Халқаро ногиронлар куни олдидан.

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Оқ севган қушиқ».
19.05 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ажиз сиймолар». Раҳим Пирмуҳамедов.
21.40 «Дилнавоз садолар».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат».
22.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор экан, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».

★ ★ ★

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Акборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.05 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Акборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
22.20 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
23.45 — 23.55 «Алмисоқдан қолган дўкон».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

★

Россия жамоат телевидениеси
18.25 — 21.35

21.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

★

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 23.20

23.20 — 23.40 «Бухоро зарбаллари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.15 Эълонлар.
9.20 Шанба эртаги. «Шелқунчик».
10.50 «Рақслар қанотида».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Комедиантлар».
11.45 «Олам ва одам».
12.10 Эълонлар.
12.15 Кининг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 2-серия.

★ ★ ★

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ажойиб Париж». «Салом, Франция!» дастурига илова.
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.40 Кининг олтин асри. «Уч эркак ва беланчакдаги кичкинтой» (Франция).
22.00 «Спектакларда сўнг».
22.25 «5 дақиқа ўзим учун».
22.30 «Эсдалик учун дастхат».
22.55 «Жилвет-спорт».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Комедиантлар».
23.50 «Бу ажиб дунё».
00.10 «Хит-коллекция».
00.25 Эълонлар.
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Акборот».

★

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Аср муаммоси». Бутунжаҳон СПИД касаллигига қарши кураш кунига.
11.20 «Ўзбекистон спорти».
11.45 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 18-кўй.
12.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.05 «Болаларим — пошшолигим». Видеоканал.
14.05 — 14.45 «Кувноқ стартлар».

★ ★ ★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўгримчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Сояинг».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Яқинлашаётган Америка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Ихтом сатрлари.
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шахс ва вақт».
22.15 Дикҳат, премьера: М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм 19-кўй.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
00.15 Юнон-Рим кураши. С. Раҳимов хотирасига бағишланган халқаро турнир.
01.00 Тунги тароналар.
01.10 — 01.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Дубляж».
10.30 «Жозиба».
10.50 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25 — 13.00 Видео—«О».

★ ★ ★

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Дарахчи».
18.20 «Боланинг тили...»
18.30 «Мульти-пульти».
18.50 Дилором наволар.
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Таманно».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Мулоқот».
22.20 — 24.00 Видео—«О».

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

★

Россия жамоат телевидениеси
16.55 — 22.45

22.45 Эълонлар.
22.50 — 23.15 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртаклар»нинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Дуодаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.50 «Парпе ву франсэ?».
12.20 «Подиум».
12.40 «Оқ соя».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
13.50 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.20 Кинозал. «Омадсизлар». Бадиий фильм.
15.45 «Биргаликда куйлайлик».
16.30 «Сенинг вақтинг».
17.00 «Клип-антракт».
17.10 «Мультқарусель».
17.25 «Телетащириф».
17.40 «Мусиқий Олимп».

★

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

★

19.45 «ТВ IV да етти кун».
20.00 «Ишгирок этувчилар».
20.30 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
20.45 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.15 Кинозал. «Ғаройибхотлар цирки». Бадиий фильм.
22.45 «Голливуд-рок». Болалар учун мусиқий дастур.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).